



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG‘OT TUMANI HOKIMINING
QARORI

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 3 -aprel

660a -son

Bog‘ot shaharchasi

“XUNARMAND YODGOR QURILISH” masъуляти чекланган жамиятига Боғот туманидаги “Хунарманд” маҳалласи МФЙ биноси қурилиши эвазига инвестор учун Боғот тумани “Хунарманд” маҳалласи ҳудудидан “Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари” биноси қуриш учун ер майдони ажратиб бериш тўғрисида

Боғот тумани “Хунарманд” маҳалласи МФЙ биноси қурилиши инвестори “XUNARMAND YODGOR QURILISH” МЧЖ раҳбари Ё.Ниёзовнинг ер майдони ажратиб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 4 мартдаги ШЯ-Н-908-сонли сўровномасини кўриб, туман ҳокимлиги ҳузуридаги корхона, муассаса, ташкилот ва фуқароларга қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари танлаш (ажратиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг 2020 йилдаги йиғилиш баёнини ҳамда туман ҳокимлиги ва “XUNARMAND YODGOR QURILISH” МЧЖ ўртасида тузилган 2020 йил 22 август ойидаги “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи комплексини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қуриш бўйича” тузилган БИТИМни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4602-сонли қарорига, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6, 22-моддалари, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” ги 6, 25-моддаларига асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги корхона, муассаса, ташкилот ва фуқароларга қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари танлаш (ажратиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Боғот тумани “Хунарманд” маҳалласи МФЙ биноси қурилиши инвестори “XUNARMAND YODGOR QURILISH” МЧЖга “Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари” биноси қуриш учун Боғот тумани “Хунарманд” маҳалласи “Дехқонобод” массиви қишлоқ хўжалик харитасининг 307 қисман контурдан 1600 квадрат метр ер майдони доимий фойдаланиш учун ажратиб берилсин.

3. Туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ф.Қурбанов)га;

МФЙ биносини қуриш эвазига Боғот тумани “Хунарманд” маҳалласи ҳудудидан ажратиб берилган 1600 квадрат метр ер майдонини батафсил режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқсин.

4. Ер ҳисоботиغا тегишли ўзгартириш киритишни туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (Д.Рўзибаев)га, ер участкасида объект қурилишини назорат қилишни туман ҳокимининг ўринбосари (А.Қуръязов)га, белгиланган тартибда ер солиғига боғлиқ ҳисоботларни ўзгартириш, солиқларнинг ўз вақтида тўланишини назорат қилишни туман давлат солиқ инспекцияси (Х.Жуманиёзов)га топширилсин.

5. Туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ф.Қурбанов), туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (Д.Рўзибаев) ва “Хунарманд” маҳалла фуқаролар йиғини раиси (Қ.Раҳманов)га доимий фойдаланиш учун ажратилган ер майдонини жойнинг ўзида (натура)да, далолатнома асосида белгилаб бериш вазифаси топширилсин.

6. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36-моддасининг 6, 10-бандларига асосан доимий фойдаланиш учун ажратилган ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланилганда ҳамда ер участкасидан 2 (икки) йил мобайнида фойдаланилмаганда ундан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилсин.

7. “XUNARMAND YODGOR QURILISH” МЧЖ раҳбари Ё.Ниёзовга:

Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ер участкасини давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси топширилсин.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Э.Рўзметов ва А.Қуръязовлар зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими



Ш.Яхшибаев